**Da'vat**

Ҳаёт йўлида биринчи масала - мактаб масаласидир.

Абдурауф ФИТРАТ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 4 сентябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 71 (7164)


**Ibrat**

Чимбой шаҳридан 20 километр узоқликда жойлашган «Тозажўл» овулида «Оналар ва болалар» санаторийси иш бошлади. Экологик нохуш вазиятда яшаётган аёллар ва келажагимиз ҳисобланмиш болажонлар учун ушбу маскан ажойиб байрам туҳфаси бўлди.

# МУБОРАК КУНДАГИ МУБОРАК ВОҚЕА





Эсласангиз, давлатимиз мустақилликка эришган илк йилларда халқимизнинг "Янгисини қурмасдан, эскисини бузма" деган доно бир ибораси кўп бор такрорланар эди. Бугунга келиб мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида, ҳар бир соҳага тегишли янгидан-янги иншоотлар, бинолар ишга туширилаяпти. Бу ҳол боболаримизнинг минглаб йиллар давомида сайқалланган юқоридаги иборасига заррача дахл қилмасада, юртимиздан эскиликлар кетиб, улар ўрнини янгиликлар эгаллаётганлигини яққол намоён этиб турибди.

Куни кеча, муборак жума куни Тошкентда Ислом университетининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент Ислом университети ректори Ҳ.Кароматов очди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Тошкент Ислом университетининг таъсис этилиши нафақат мамлакатимиз ҳаётида балки бутун Ислом дунёсида катта бир воқеадир. Минглаб юртдошларимиз, хорижлик кўплаб дўстларимиздан келаётган мактублар бунинг яққол тасдиғидир, деди Президентимиз ўз сўзи бошида.

Президентимиз мазкур университетнинг ташкил этилиши, унинг мақсад-вазифалари хусусида тўхталар экан, жамоатчилик, узоқ-яқин қўшниларимиз орасида туғилиши мумкин бўлган бир саволни ўртага ташлади: "Нима учун, не мақсадда бундай нуфузли исломий фиқҳ ва билим маскани таъсис этилди?" Бу саволга жавобни эса ўтган саккиз йил ичида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, аввалambор, маънавиятдаги амалий ишларимиздан, ҳаётимиз қиёфасини, маъно-мазмунини мутлақо ўзгартираётган ислоҳотлардан топиш мумкинлигига урғу берди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда мукаммаллашув, такомиллашув жараёни кечмоқда. Албатта бу жараён халқимизнинг муқаддас дини бўлмиш – Исломга муносабатда ҳам, эътиборда ҳам акс этмоқда. Юртимизда Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий сингари ўнлаб дин уламолари, уни илм даражасига кўтарган, Ислом дунёсига шуҳрати ёйилган алломалар яшаб ўтган. Уларнинг руҳи-поклари мустақиллигимиз боис азиз тутилиб, муқаддас қадамжолар барпо этилди. Улар қолдирган бебаҳо меросни ўрганиш учун шарт-шароит яратилди ва бу иш авлодлар зиммасидаги залворли вазифа сифатида тушунила бошланди. Маълум бўлишича, республикамиз қўлёзма хазиналаридаги мавжуд маданиятимизга тегишли 60 мингдан ортиқ муҳим ва камёб асарларнинг 40 фоизи бевосита ислом илми, тарихи ва тасаввуфга тегишли экан. Шу рақамнинг ўзиёқ, қолаверса халқимизнинг турмуш тарзига ислом динининг чуқур сингиб кетганлиги айнан бизнинг мамлакатимизда Ислом университетининг ташкил этилишига маънавий асос бўла олади.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу олий даргоҳнинг вазифа мақсадлари хусусида батафсил сўзлади. Аввало одамзоднинг ўз дини асосларини, унинг ҳаётдаги ўрнини, тарихини билиш шартлиги нуқтаи назаридан, ота-боболаримизнинг дини бўлган Исломнинг муқаддаслигини, буюклигини, илоҳийлигини исботлаш ва унинг ривожига ҳисса қўшиш ва Оллоҳ олдидаги бурчимизни адо этиш, асосий мақсад, дея таъкидлади Ислом Каримов. Қуръони Карим оятлари, ҳадисларни чуқур ва кенгроқ ўрганиш, тарғиб қилиш, халқимизни, миллатимизни ёш авлодимизни бу бебаҳо хазиналардан баҳраманд бўлишига, шарт-шароит яратиш, шу аснода маънавий ҳаётимизни юксалтириш каби савобли вазифаларни бажо келтириш ушбу олий даргоҳнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги айтилди.

Юртбошимиз шу ўринда мамлакатимизда айрим сабабларга кўра ҳукм сураётган диний билимлар, диний маданият борасидаги чаласаводлик ва жаҳолат, у келтириб чиқараётган фожеалар хусусида ҳам тўхталди. Айнан шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда, ёшларимизга чинакам ислом дини тушунчаларини етказишда университет олдида турган вазифаларни санаб ўтди.

Шунингдек бобокалонларимизнинг дин тарихи, унинг назарияси, фалсафасига, маданиятига қўшган ҳиссаларини англаш, шулар асосида ёшларимиз орасида ҳам янгидан-янги бухорийлар, термизийлар, замахшарийлар етиштириш олий даргоҳ зиммасидаги улуғ ишлардан бири эканлиги айтилди.

Президентимиз амалга оширилиши лозим бўлган муҳим масалага, яъни ўқув жараёнига алоҳида тўхталиб, бу даргоҳда диний илмлар фақат бир ёқлама эмас, балки дунёвий билимлар билан уйғунлаштирилган ҳолда берилишига эътибор қаратиш лозимлиги, шундагина бу муқаддас маскан сабоғини олганлар ўз диёримиз ҳамда бутун дунёнинг маънавий-маърифий ривожига, тинчлик-осойишталигига, барқарорлигига муносиб ҳисса қўша олажагига ишонч ҳосил қилиш мумкинлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Президентимиз Ислом университети ўқитувчилари ва талабаларига таълим бериш ва илм ўрганишдек шарафли ишда муваффақиятлар тилади. Ўз ўрнида талабалар ҳам яратилган шарт-шароит ва билдирилган ишонч учун самимий миннатдорчилик изҳор этдилар. Маросимда сўзга чиққан мамлакатимиздаги чет эл ваколатхоналари вакиллари, республикамизнинг диний уламолари ушбу воқеанинг аҳамияти, ундан кутилаётган эзгу амаллар хусусида тўлқинланиб сўзладилар.

Президентимиз расмий маросимдан сўнг, университетнинг ўқув хоналарини кўздан кечирди. "Лингофон хонаси" ва "Компьютер хонаси" билан танишаркан мамлакатимиз раҳбари талабалар билими билан ҳам қизиқиб, улар билан суҳбатлашди. Мавжуд компьютер синфи учун дастурий таъминот масаласида тўхталиб, уларни ўзимизда тайёрлаб беришни йўлга қўйишни мутасаддилар олдига вазифа қилиб қўйди. Шунингдек, талабалар ошхонаси, унда тайёрланаётган таомлар ва нархлар ҳам Президент назаридан четда қолмади.

Мамлакатимизда яна бир йирик, Марказий Осиёда ягона бўлган илму урфон маскани – Тошкент Ислом университети иш бошлади. Ўйлаймизки, бу маърифат ўчоғи ҳам ёшларимиз қалбини нурларга чулғагай, яшаш, яратиш, савоб ишлар қилиш каби амалларни ўзларининг ҳаёт тарзлари, деб билган миллат фидойиларининг бисёр бўлишига сабабчи бўлгай.

**Абдусамат РАҲИМОВ, "Маърифат"нинг махсус мухбири**

***Суратда: тантанали маросимдан лавҳа.***

**А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

**Jarayon**

# МИЛЛИЙ ДАСТУР ЧЕЧАКЛАРИ

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг қанчалик самарали ва тўғри ҳаётга татбиқ этилаётганлигини уларнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, чет эл давлатлари муайян соҳа мутахассисларининг эътирофи, шунингдек, ушбу ислоҳотларнинг бугунги кўрсаткичлари ҳамда келажакда кутилаётган натижаларидан аниқ ва равшан англасак бўлади.

Таълим соҳасида босқичма-босқич жорий этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам вақт ўтган сайин ўзининг ҳаётий заруратдан пайдо бўлганлигини ҳар томонлама исботламоқда. Зеро жамиятимиз қанчалик маърифатли, юксак маънавиятли, юқори билимли бўлсагина, унинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётдаги, маданиятдаги ютуқлари шунчалик катта бўлади.

Биз кеча «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури каби таълим соҳасидаги икки муҳим ҳужжатнинг меъёрий жиҳатларини ўқиш, уқиш орқали ўрганиш билан машғул бўлган бўлсак, бугун ана шу ҳужжатларни назарий асосдан амалиётга ўтказиш, яъни кундалик ҳаётимизга тадбиқ этиш давридамиз. Бу борада юртимизда ғурурланиб айтгудек муайян ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ўтган ўқув йилида республикамиз таълим тизимининг ўрта поғонасида тажриба тариқасида 15 та академик лицей ва 20 та касб-ҳунар коллежи ташкил этилиб, ўз иш фаолиятини бошлагани, бу йил ташкил қилинаётган 15 академик лицей ҳамда 102 та касб-ҳунар коллежларининг мамлакатимиз ёшларини ўз бағрига олиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун замон талабларига мувофиқ тўлиқ таъмирдан чиққан, реконструкция қилинган ҳамда янгидан қурилиб битказилган янги турдаги ўқув муассасаларини кўриб, кўз қувонади. Бу таълим даргоҳлари республикамизда демократик ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширувчи миллий кадрлар таъминотининг илк кўрсаткичларидир. Бинобарин, жаҳон андозаларидаги жиҳозлар билан таъминланган замонавий биноларда, замонавий технологиялар асосида билим олган ёшларимиз айнан шу мақсадда юртимизга астойдил хизмат қилиши шубҳасиз.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежининг қурилиши қисқа вақт ичида якунланиб, фойдаланишга топширилиши республика маорифчилари ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолади. Мустақилликнинг 8 йиллик байрами ўқув масканининг тантанали очилиш маросимига уланиб кетди.

2 сентябрь 1999 йил Тошкент қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежи жамоаси учун муҳим тарихий санага айланди. Зеро, мазкур коллежнинг янги бинодаги шажараси давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қутлуғ қадамлари билан бошланди.

Юртбошимиз тадбирда қатнашаётган шаҳар ва туман жамоатчилигига ҳамда ана шундай ҳашаматли бинони барпо этган қурувчиларга самимий миннатдорчилик изҳор эта туриб:

(Давоми 2-бетда)

# ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

**Tuhfa**

*Янги ўқув йили андижон вилояти таълим - тарбия масканларида ҳам тантанали суръатда очилди. Тадбирга ота-оналар, фахрий муаллимлар, хомий ташкилотлар вакиллари, таълим тизими раҳбарлари таклиф этилди. Ҳар бир мактабда Ўзбекистон байроғи кўтарилди, Ватан мадҳияси янгради. Шу куни зиё масканларига илк қадам қўйган, «Алифбо»ни ўрганишга чоғланган 1-синф ўғил-қизларига Президент совғалари топширилди.*

*Бу совғалар вилоят миқёсида 61433 тадан рангли қоғоз, ручка, рангли қалам, бўёқли фломастер, ўчирғич, расм дафтари, пенал, пластилин, елим, ўқувчи сумкаси ҳамда 737196 та дафтардан иборат.*

*Совғалар вилоятнинг Булоқбоши туманига ҳам ўз вақтида юз фоиз миқдорда келтирилди. Улар 30600 та дафтар ва 2550 тадан бошқа турдаги ўқув қуролларини ташкил этади.*

*Кўрсатилган ёрдамдан ота-оналар беҳад миннатдор. Чунки, уларнинг фарзандлари мактабга келган кунлариданоқ ғамхўрлик билан қарши олинаяпти.*

*Андижонлик болакайлар совғаларни аъло баҳоларга ўқишлари билан оқлашга, Ватаннинг муносиб ўғил-қизлари бўлиб етишишга ваъда беришяпти.*

**Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз**


**Пойтахтимизда янги коллежлар ва академик лицейлар**

2-бет

**Ўқувчига ибрат бўла оласизми?**

2-бет


**Oqituvchiga yordam**

# ФИКР ЭРКИНЛИГИ

***ТАРИХИЙ ФИКРЛАШНИНГ ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИ***

Маълумки, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини, тафаккур қилиш малака ва кўникмаларини мунтазам шакллантириб бориш тарих ўқитувчисининг асосий мақсадларидан бири ҳамда тарихий билимларни ўзлаштиришнинг асосий шартидир. Бу борадаги ишлар — ўқувчилар олдига қўйиладиган вазифа ва топшириқлар уларнинг қизиқиши, психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Тарих курсини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда фикрлашга асосланган малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш вазифалари – бу тарихий билимларни мустақил суратда эгаллаб, тизимга солиб, уларни амалда татбиқ эта билишга ўргатиш орқали ўқувчиларни ўтмишдаги ва ҳозирги замондаги ижтимоий ҳодисаларга холисона баҳо беришга ўргатишдан иборатдир.

Нутқни ўстира бориш ҳам ўқувчиларни фикрлаш, тафаккур қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқдир. Нутқ одамларнинг бир-бирини тушуниш, мулоқот қилиш воситасигина бўлиб қолмай, балки фикрни юзага чиқариш ва ўстириш воситаси ҳамдир.

Ўқувчи фикрини ўстиришда ўқитувчи қўллайдиган методик усулларнинг аҳамияти жуда катта. Бир тарихий мавзунинг ўзи қўлланмаларда ҳар хил методик усул, воситалар билан очиб берилиши ўқувчиларнинг билиш қобилиятига турлича таъсир этиши мумкин. Ўқитувчи томонидан дарс мақсадини тўғри белгилаш – тарих дарсининг самарали бўлишини таъминловчи шартлардан биридир. Яъни дарснинг мақсади дарсда ўрганиладиган масалаларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилмоғи, мавзунинг асосий ғоясини, маъносини ўқувчилар дарс давомида асосий хулоса сифатида англаб олиб, идрок этишлари керак. Шундагина уларнинг фикрлаш қобилияти ривожлана бошлайди. Лекин шуни унутмаслик керакки, ўқувчиларда тарихга оид билим ва малакаларни вужудга келтириш жараёнининг ҳамма таркибий қисмларини бир дарснинг ўзида амалга ошириб бўлмайди. Бу ишда ўқувчиларнинг мустақил мутолааси, дарсдан ташқари машғулотлар, ижтимоий фойдали меҳнат ва ҳоказолар катта аҳамият касб этади.

Ўқувчиларга тарих фанидан энг муҳим манба — дарсликдир. Ундан ташқари ҳужжатлар билан ишлаш, бадиий, тарихий адабиётлардан фойдаланиш, мавзуга оид рефератлар ёзиш, тарихий мавзуларда кечалар, маълум бир мавзуда мунозаралар ўтказиш ҳам ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш воситаси ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда)

## JUMLADA JAHON

**• Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига дунёнинг турли давлатлари раҳбарлари томонидан юборилаётган самимий қутлов телеграммалари оқими давом этмоқда.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси мудофаа вазири Игорь Сергеевни қабул қилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди.**

**• Яман пойтахти Сана шаҳридаги «Сити-Сентер» савдо марказидаги кучли портлаш натижасида ўнга яқин киши ҳалок бўлди.**

**• Туркия парламенти маҳбусларга умумий авф бериш тўғрисида қонун қабул қилди, унга кўра 26,5 минг маҳбус озод қилинади.**

**• Буюк Британия нефть биржасида бир баррел нефть баҳоси 2,5 фоизга ошиб, 20,76 АҚШ долларини ташкил этди.**



## МИЛЛИЙ ДАСТУР ЧЕЧАКЛАРИ

(Боши 1-бетда)

— Мана шундай гўзал ва замонавий ўқув масканида таҳсил олишга тайёргарлик кўраётган ўқувчиларнинг очиқ чеҳраларини кўриб, киши беихтиёр қувониб кетади, - деди.

Дарҳақиқат, бугун «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 159-тресті бунёдкорлари томонидан барпо этилган мазкур замонавий ўқув даргоҳида таҳсил олаётган 900 нафарга яқин йигит-қиз, уларга таълим бераётган педагогик жамоанинг қувончи чексиз. Энди улар коллежга келтирилган янги дастгоҳларда, чиройли ва шинам кўргазмали қуроллар ёрдамида замон талабларига мос жиҳозланган устахоналарда дурадгорлик ва паркет ётқизиш ишлари, умумқурилиш ишлари, сув таъминоти ва канализация тизимларидан фойдаланиш, турар жой ва жамоа биноларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, газ таъминоти тизимларининг жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, бухгалтерия ҳисоби, интерьер ва жиҳозлар архитектураси, тижорат фаолияти, менежмент каби йўналишларда мутахассис кадр бўлиб етишиб чиқишади.

— Янги ўсиб келаётган авлодни ўз бағрига қабул қилишга тайёр бўлган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан мутлақо янги ўқув масканларини қурар эканмиз, бундай имкониятларга эга бўлишимиз, аввало, мустақиллик туфайли эканини барчамиз яхши англаймиз, - деди Президент.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замон талабларидан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, истиқболимиз ва иқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, биринчи навбатда, ўрнимизга келаётган ёш авлодни ҳар тарафлама етук инсонлар этиб вояга етказиш билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида, шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга бугунги кунда барча имкониятлар ишга солинаётгани тўғрисида алоҳида тўхталиб, ҳеч қандай маблағ, ҳеч қандай сармояни аямасдан болаларимиз учун, азиз фарзандларимиз учун мана шундай бинолар, ўқув юртлари қурилишларини амалга оширар эканмиз, биз шу билан ўз келажагимиз пойдеворини қурмоқдамиз, ўз истиқболимизни яратмоқдамиз, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди, деди.

Коллежга ташрифи давомида Президент Ислом Каримов ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, қишки ва ёзги спорт майдончаларини кўздан кечирди, ўқувчилар билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз дарсхоналарнинг замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланганлигидан мамнун бўлиб, бундай даргоҳда таълим олаётган ёшлар Она-Ватан кутган буюк мақсадларни рўёбга чиқарадиган инсонлар бўлиб етишишини таъкидлади.

Ҳа, бугун реконструкциядан чиққан, янгидан қурилиб битказилган янги турдаги таълим муассасаларининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастлабки натижаларидир, таъбир жоиз бўлса, Миллий дастур чечакларидир. Олдимизда эса XXI асрда бунёд этиладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш давлат дастури бор.

**Нурлан УСМОНОВ**
**«Маърифат» мухбири**

***Суратларда: коллежнинг ташқи кўриниши ва коллеж ҳаётидан лавҳалар.***

**Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**




Unutilmas sanalar

## ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНГИ КОЛЛЕЖЛАР

***Шу кунгача пойтахтимизда тантанали равишда очилган касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар билан танишинг:***

*Сирғали туманида молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи очилди. Бу ерда ижтимоий-иқтисодий соҳага оид молия, биржа фаолияти, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва ҳуқуқшунослик йўналишларида мутахассис кадрлар тайёрланади.*

✧

*Ушбу туманда яна битта янги таълим муассасаси — Сирғали қурилиш касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Мазкур коллеж бўлғуси қурувчилар — дурадгорлик ва паркет ётқизиш ишлари, умумқурилиш ишлари, қурилиш пардозлаш ишлари усталаридан ташқари тикувчилик ишлаб чиқариш устаси, бухгалтерия ҳисобчиси ҳамда янги йўналиш бўйича автотранспортни таъмирлаш усталарини ҳам тайёрлайди.*

✧

*Чилонзорда очилган радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида эса алоқа тизимига оид радиоэлектроника аппаратлари ва асбобларини таъмирлаш ва ишлатиш устаси, Аэропорт электротизимларини таъмирлаш ва ишлатиш устаси, ЭҲМ оператор-дастурчиси, компьютерларни созлаш монтажчиси, компьютерларни таъмирлаш ва ишлатиш бўйича уста, телеаппаратура ва радиотехника асбобларини таъмирлаш ва ишлатиш бўйича мутахассислар тайёрланади.*

✧

*Ҳамза туманидаги қурилиш касб-ҳунар лицейи шу номдаги коллежга айлантирилди. Унда умумқурилиш ишлари, пардозлаш ишлари, дурадгорлик ва паркет ётқизиш ишлари бўйича қурувчи усталар, тикувчилик ишлаб чиқариш устаси, пайвандлаш, автотранспортни таъмирлаш ва бухгалтерия ҳисоби йўналишларида замонавий кадрлар тайёрланади.*

✧

*Миробод туманидаги озиқ-овқат ва енгил саноат касб-ҳунар лицейи маиший хизмат касб-ҳунар коллежига айлантирилиб, у ерда ресторан иши, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, бухгалтерия ҳисоби, котибалик иши, маиший асбоб ва аппарат таъмирлаш йўналишларида йигит-қизлар таълим оладиган бўлдилар.*

✧

*Ушбу тумандаги индустриал - педагогика техникуми қурилиш саноат соҳасидаги касб-ҳунар коллежига айлантирилди ва эндиликда бу ерда металларга ишлов бериш станоклари, механикавий ишлов бериш станоклари ва ускуналари, механика йиғиш ишлари технологияси, умумқурилиш ишлари ва тикувчилик ишлаб чиқариш бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади.*

## ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР

*Тошкент Давлат юридик институти қошида ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейнинг янги қурилиши битказилди. Шунингдек, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти қошида аниқ фанлар ва иқтисодиёт йўналишларидаги академик лицей, Тошкент Давлат темир йўл транспорти муҳандислари институти қошида физика-математика ва иқтисод йўналишидаги академик лицей ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошида хорижий тиллар йўналишидаги академик лицейлар бинолари эса реконструкциядан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.*

**Нур АЛИ**

## ЎҚУВЧИГА ИБРАТ БЎЛА ОЛАСИЗМИ?

Боланинг мактаб остонасига илк бор қадам қўйиши оилада катта воқеадир. Ота-она бир неча йил мобайнида болани мактабга тайёрлар экан, пухта билим олишини орзу қилади. Чунки мактаб тарбияси инсон ҳаётини изга солувчи, камолга етишида қутлуғ даргоҳ ҳисобланиб, ҳаётий эҳтиёжга айланиб кетган.

Ўқитувчи! Бу сўзни эшитганда, болада қандайдир ҳузур бағишловчи ҳис-туйғу пайдо бўлади, уни тезроқ кўришга муштоқ бўла бошлайди ва уни ўзича тасаввур этади. Мактаб, ундаги жўшқин ҳаёт, муаллим ҳақидаги тасаввурлар гоҳ ёқимли ҳис-туйғу оғушига олса, гоҳ қўрқув туйғуси уйғотади. Ахир мактаб деганлари боғча эмас. Ўқиш, ёзишдек мураккаб ақлий фаолиятга етарли кўникма, малака йўқлигидан бола ташвишлана бошлайди. Бу жараёнларни ижобий томонга йўналтириш, болада мактабга нисбатан талпиниш ёки ҳурмат ҳиссини шакллантириш ота-онага ҳам боғлиқ.

Дарҳақиқат, бола мактаб бағрига келгунига қадар ота-онанинг у билан олиб борадиган ишлари талайгина.

Масалан, ота-она тез-тез болага мактаб ва ўқитувчилар ҳақида ҳурмат -эътибор билан сўзлаб бериши, келгусида унинг шахсий ҳаётида юз берадиган ўзгаришлар, ўқувчи деган номга лойиқ иш тутиши, ўқиб кета олишига ишонч ҳосил этиши лозим. Шунингдек, унга жамоатчилик ичида қандай ўзини тутиш кераклигини ҳам уқтириш даркор. Янги ўртоқлари билан дўстлашиши, мажлис, йиғинларда фаол қатнашиш, сайр-саёҳат, кузатишларга чиқиш, эрта туришга ўрганиши, жисмоний машқлар бажариши, баданни чиниқтириб, озода ва тартибли юриши, рангли, расмли китобларни кўриб, мазмунли қилиб сўзлаб беришга ўрганиши зарурлиги ҳақида секин-аста тушунча бериб борилса, болада бурч ҳисси пайдо бўла бошлайди. Болалар нимани кўрса шунга тақлид қилади, яъни оилада ота-онанинг хушмуомаласи, маданияти, саранжом-саришталиги, меҳнатсеварлиги бола учун ибрат бўлса, мактабга келгач, ўқитувчи унинг учун ягона ибрат ҳисобланади. У

Mulohaza

ўқитувчининг гапи, сўзи, кулиши, кийиниши, ёзуви, ҳамма-ҳаммасини ўзида мужассамлаштириб боради. Шунинг учун ўқитувчининг болага намуна бўла олиши унинг келгуси ҳаёти учун ниҳоятда зарурдир.

Ота-оналар шуни эсда тутишлари керакки, болага мактаб ўқитувчиси, ўртоқлари олдида зинҳор ноўрин гаплар айтмаслик керак. Ўйламай айтиб қўйилган бир-икки оғиз сўз болани иккилантириб қўяди. У мактаб ўқитувчисини худди ота-онадек севсин. Агар унинг олдида ўқитувчи ундай, ўқитувчи бундай, дейилса у ҳайрон бўлади, сизнинг ҳам, ўқитувчининг ҳам гапларига ишончсизлик билан қарайди. Шу туфайли болада кишиларга нисбатан лоқайдлик, ҳурматсизлик каби ёмон иллатлар илдиз отиб кетиши мумкин.

Бола билан атрофни кузатиб юрибсиз. У сизга кетма-кет савол беради: Нега қуёш бу томондан чиқади? Нега соя тушади? Нима учун итнинг оёғи тўртта? У нега вовуллайди... ва ҳоказо. Сиз буларга жавоб беришга ҳаракат қилинг, лекин бола эътиборини тоза кийиниб мактабга кетаётган ўқувчиларга, укасини етаклаб боғчага чопаётган қизчага, тоза супурилган хиёбон ва йўлларга, бир-бири билан дўстона суҳбатлашиб кетаётган болаларга тортинг. У бир зум атрофни кузатади, уларга ҳаваси келади. Нега мактабга борадилар? У ерда нималарни ўрганадилар, деган саволни беради.

Болани мактабга тайёрлаш масаласи жуда жиддий. Унда катта-кичикка ҳурмат, эътибор ҳиссини тарбиялаш бош мезон ҳисобланади. Катталар олдида ўзини тута билиш, сабабсиз кулавермаслик, кичикларга ҳамиша ғамхўр бўлиш каби хислатларни уйғотишда турмушдаги яхши ишлардан мисол келтириш зарур. Гарчанд булар майда-чуйда кўринса-да, замирида фарзандларимизнинг тўғри ўсиши, улғайиши, камол топиши ётибди. Ягона мақсадимиз, болаларни жамиятга муносиб аъзолар қилиб ўстиришдир. Бунинг учун бор имкониятдан фойдаланишимиз, уларнинг ўқиши, илм олишига шароит яратишимиз зарур. Мактабга келгунига қадар бола билан муттасил шуғуллансак, ҳеч қандай мушкуллик кузатилмайди.

**Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 140-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси**

## БАЙРАМ КЎНГИЛЛИ ЎТДИ

Ўзбек халқи азал-азалдан бой маданий меросга эга. Шукурлар бўлсинки, Оллоҳ назари тушган юрт бу кун ўзининг мустақиллиги 8 йилик тўйини барча жабҳаларда шоду-хуррамлик билан кутиб олмоқда. Шу жумладан, Тошкент Давлат маданият ва туризм институтида ҳам мустақиллигимизнинг 8 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир миллий мадҳиямиз мусиқа садолари остида очиқ деб эълон қилинди. Институт ректори Азиз Тўраев талабалик сафига кирган ёшларни қутлаб, барчани байрам билан табриклади. Тадбирнинг бадиий қисми бошланди. Бунда Илҳомжон Матёқубов, Алишер Қурбонов, Анна Широнкина, Абдумалик Жўраев, Зафарбек Қўчқоров, Нигора Исроилова, Низомиддин Мирбобоев фаол иштирок этишиб, томошабинлар кўнглини хушнуд этишди.

**Ойгул КОЖАНОВА**

Taqriz

## ТИЛ ТЎҒРИСИДА РИСОЛА

Тил — башарият учун бебаҳо мўъжиза эканлиги барчага маълум. Ҳар қандай кузатиш ва таҳлил фикр юритиш билан боғлиқ. Барча тилларда бўлгани каби, туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг ҳам гап қурилишида ўзига хос қонуниятлари мавжуд. Ўзбек тилидаги трансформация, айниқса предикатив синтагманинг трансформацияланиши ана шу қонуниятлардан биридир. Бошқача айтганда, миллий тафаккурнинг тилдаги ўзига хос акс этишидир.

Термиз Давлат университетининг доценти С. Маҳматқулов ана шу ҳодисага бағишланган «Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси» (Тошкент: «Университет», 1998) номли монографиясини нашр эттирди. Тадқиқотчи илмий изланишида ўзбек тилининг предикатив синтагмалари трансформацияланишини йирик илмий манбаларга — жаҳон тилшунослиги ҳамда туркологик илмий адабиётларга, хусусан, ўзбек тилининг бой фактик материалларига асосланган ҳолда холисона таҳлил қилиб берган ва қимматли илмий фикрлар билдирилган.

«Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси» монографияси уч бўлим ҳамда хулосадан иборат. Тадқиқотнинг кириш қисмида ўзбек тилшунослигида трансформация ҳақида баён қилинган фикрлар ўрганилган ва уларга имкон қадар муносабат билдирилган. Предикатив синтагманинг трансформацияланишини ёритиш учун таниқли ўзбек ёзувчилари Ойбек («Қутлуғ қон»), П. Қодиров («Қора кўзлар»), Ҳ. Ғулом («Феруза») асарлари бўйича махсус тўпланган фактик материалдан бир қисми — предикатив синтагма трансформацияланишининг икки турини ўрганиш учун ажратиб олинган. Бунга: 1) предикатив синтагмани бир бутун ҳолда трансформациялаб, бирор синтактик бўлак вазифасида ишлатиш; 2) предикатив синтагмани аввал қаратувчили синтагмага трансформациялаб, кейин бирор синтактик бўлак вазифасига мослаб ўрганилган.

Китобнинг биринчи бўлими «Предикатив синтагманинг турли синтактик вазифаларда келиши» деб номланиб, унда предикатив синтагманинг аввало сифатловчи вазифасига, сўнгра ҳол вазифасида келиши чуқур илмий таҳлил қилинган. Маълумки, предикатив синтагманинг асосий вазифаси — гап бўлиб келиш. Ушбу ишда предикатив синтагманинг синтактик бўлак вазифасида ҳам ишлатилиши аниқ баён қилинган, кейин предикатив синтагманинг тўлдирувчи, эга, кесим вазифаларида келиши бой фактик мисоллар асосида кузатилган.

Монографияда илмий аҳамиятга эга маълумотлар кўп. Кесими феъл билан ифодаланган предикатив синтагмаларнинг пайт, сабаб, мақсад, ўхшатиш, қиёс, равиш, миқдор-даража, тўсиқсизлик, натижа ҳоллари вазифасида келиши, шунингдек, кесими феъл бўлмаган предикатив синтагмаларнинг ҳол вазифасида келиши ҳақидаги изланишлар ниҳоятда асосли, ишонарли баён қилинган.

Илмий изланишнинг иккинчи бўлими предикатив синтагмани қаратувчили синтагмага трансформациялаб турли синтактик бўлак вазифасида ишлатилишига бағишланган. Предикатив синтагмани бирор синтактик бўлак вазифасида келтириш учун яхлитлигича трасформациялаш — монографиядаги энг муҳим янгиликлардан бири.

Тадқиқотнинг умумий хулосалари ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Муаллиф таъкидлаганидек, «Ҳар бир мустақил туркум лексемаси нутқда барча синтактик вазифаларда кела олганидек, предикатив синтагма ҳам маълум трансформа ҳолатида турли синтактик бўлак вазифасида ишлатилади».

Монографиянинг таҳсинга лойиқ томони шундаки, тадқиқотнинг композицион тузилиши, мавзуларнинг жойлаштирилиши изчил ва аниқ. Шу билан бирга китобда жузъий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Босмахона айби билан имловий (50-,51-,131-,191-,198-,149-бетларда) нуқсонлар, шунингдек, пунктуацион қусурлар учрайди. Лекин бу нуқсонлар монографиянинг илмий ва амалий аҳамиятини пасайтирмайди. «Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси» китобининг кўп сонли талаба ва ўқитувчилар оммасига, аспирант ва илмий ходимларга амалий ёрдами тегади. Бу йўналишдаги тадқиқотларга эҳтиёж кучли. Эҳтиёж ва талабни ҳисобга олиб, асарни кўпминг нусхада нашр этиш айни муддао бўларди.

**Холмирза ХОЛИЁРОВ,**
**Термиз Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, профессор,**
**Ҳамид НЕЪМАТОВ,**
**Бухоро Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор**

## БОЛАЛАР РАКЕТА УЧИРИШАЯПТИ

Андижон шаҳридаги 27-мактабда «АВИА - Ракета модели» тўгараги қарийб 10 йилдан буён фаолият кўрсатаяпти. Унга асосан юқори синф ўғил-қизлари жалб қилинган бўлиб, мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Нуъмонжон Исроилов раҳбарлик қилади. Болалар мана бир неча йилдирки, вилоят ва республика мусобақаларида фақат энг юқори ўринларни эгаллашаяпти. Бола битта ракетани ясаш жараёнида камида 20 та асбоб-ускунадан фойдаланади. Уларнинг ҳаммаси мактаб устахонасида бор.

Тўгаракнинг энг ёш қатнашчиси Ғайрат Исоқов ўзи ясаган «F - 2 -A» ракета модели билан ҳаммани хурсанд қилди. Бу янгича кўринишли ракета парвозда ҳаммасидан ўзиб кетиб, доимий биринчиликни эгаллаяпти. Насиб этса, мактабдаги ёш ракетачилар ҳали яна кўплаб муваффақиятларни қўлга киритадилар. Бунинг учун уларда қизиқишдан ташқари тажриба, маҳорат ва имконият ҳам етарли.

**Аваз ҲАЙДАРОВ**

Yangicha ish usuli

## РЕЙТИНГ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Бухорода «Рейтинг тизими ва уни такомиллаштириш усуллари» услубий конференцияси бўлиб ўтган эди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси бу масалага жиддий ёндашиб, масъул ходимлар иштирокида амалдаги рейтинг тизимини қайта кўриб чиқди. Натижада янги таҳрирдаги «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом Вазирликнинг махсус буйруғи билан киритилди. Шу боис институтимизда бўлажак кимёгар бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашнинг сифатини янада юқори кўтариш ва такомиллаштириш мақсадида янги Низом ишлаб чиқилди. 1999 - 2000 ўқув йилидан бошлаб барча курсларда ўқитиладиган фанлар учун ушбу усул жорий этилди.

Хўш, янги Низомнинг афзаллиги нимада? Янги Низом аввало, мамлакатимиз йирик олий ўқув юртлари ва ривожланган хорижий давлатлардаги тажрибаларга асосланган бўлиб, ўз олдига қўйган мақсад ҳамда вазифаларнинг аниқлиги, жорий, оралиқ ва якуний баҳолашни ҳар бир фан бўйича ташкил қилишнинг услубий асосларини кўрсатиш билан характерланади. Янги таҳрирдаги Низомнинг афзалликларидан яна бири, якуний баҳолашнинг (ЯБ) ҳар бир фан учун қатъийлиги ва уларнинг таянч сўз ибораларига асосланган ҳолда ўтказилишидир. Бу чуқур ўйланган иш бўлиб, талабани пухта билим эгаллашга интилтирса, ўқитувчининг ўзи ўқитаётган фанга масъулият билан қарашини талаб қилади. Биз Германия, Греция, Голландия, Туркия олий ўқув юртлари кафедралари иши билан танишиб қайтдик.

Талабаларга мазмунли-маърузалар ўқиш билан бир қаторда янги технологияларни ўргатиш, амалиёт пайтидаги курс ишлари ёзиш йўли танлаб олинди. 1-курсдан рефератларни ёзиш малакасини ҳосил қилиш деярли биздагидек. Талабада ўз йўналиши бўйича рефератлар ёзиш, илмий ва техникавий адабиётлар билан мунтазам танишиб бориш, уларни давлат тилига таржима қилишда профессор-ўқитувчиларимиз томонидан тайёрланган луғатлардан фойдаланиш тақозо этилади. Ўз устида узлуксиз иш олиб бораётган талабалар билими кучли бўлаётгани тажрибалардан кўриниб турибди.

Рейтинг тизимининг янги Низоми талабаларнинг ўз устида ишлаши, мустақил фикр юритиши, ўқитувчи билан яқин мулоқотда бўлиб туришига замин яратади. Унинг турли назорат шаклларини амалда жорий қилиш мумкин. Аммо, якуний назорат семестр охирида ёзма равишда эркин тарзда ўтказилади. Бу талабаларнинг ўз рейтинг баллари миқдорини янада юқори кўтаришига имкон беради. Иккинчидан, ёзма назорат ишида талаба фаннинг «таянч сўз ва ибора-лари»га қанчалик аҳамият берганлиги - фан асосларини чуқур ва нисбатан саёз эгаллаганлигини кўрсатувчи мезон ҳам рейтингдир. «Таянч» ибора-лардан ҳар дарсда фойдаланган ёки уларни қўллаган талабанинг билими чуқур ва пухта бўлиши табиийдир. Таянч сўз ва иборалар зарур пайтларда оғзаки, тест, ҳимоя ва курс ишлари учун ҳам қўлланилиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Фан бўйича, масалан умумий ва анорганик кимё бўйича ажратилган 72 соатнинг (бир семестрда) 70 фоизини семестр давомидаги жорий баҳолаш билан оралиқ баҳолаш учун ажратиб, қолгани асосий назорат учун ажратилади. Бу якуний назорат тури талаба фикр доирасининг асосий қисмини белгилашни, фанни тўла ўзлаштириш кўрсаткичини тўлиқ аниқлашга ёрдам беради. Услубий бўлим фан бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқди. Биз ўз тажрибаларимизда талаба фаолиятининг тўрт кўриниши-пассивлик, фаоллик, изчиллик ҳамда мустақил фикр юритиш каби хислатлар ҳисобга олиниши керак деб ҳисоблаймиз. Доимий ва изланувчан талабалар юқори балл тўплаш билан бир қаторда ҳаётда ҳам бошқа тенгқурларига ўрнакдирлар.

Ниҳоят, биз рейтинг тизимини янада такомиллаштириш борасида изланишларимизни давом эттириб, кимёда чизиқли тест (график-тест)лардан фойдаланишини амалиётга киритмоқдамиз. Бунда талаба нафақат кимё фанини, балки чизма геометрия, математика ва фазовий (фаразан) нуқталарни қандай жойлаштиришни ўйлашга мажбур бўлади. Графикли тест бир оз мураккаб кўринса-да, изланувчан талабаларга бошқотирмадек туюлишини сездик. У қидириб-қидириб охири топади, қийналиб қолганида эса адабиётга ёки ўқитувчисига мурожаат қилади. Бу жиҳатдан графикли тестлардан фойдаланишни физикада ва кимёнинг бошқа соҳаларида ҳам қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун бир оз бош қотириш, фикрлаш ва фаннинг «сирлари»ни чизиқларга жойлаштириш керак бўлади. Бу эса ҳар бир ўқитувчидан фан рейтинги жадвалини ишлаб чиқишда услубий жиҳатдан ёндошишини талаб қилади.

Айтганлардан кўринадики, давомати яхши талабалар ҳар бир дарсда тегишлича баллга эга бўлиш билан бир қаторда, маърузалар узлуксизлигини, бу билан маърузаларнинг бир-бирига уланиб боришини ҳам таъминлайдилар. Лаборатория ва амалиёт дарсларини ўз вақтида бажариб борган тақдирларида юқори балларга эга бўлишади.

Олимпиадаларда фахрли ўринларни олган, дарсларда давомати яхши ва фан асосларини чуқур эгаллаган талабаларимизга максимал баллдан ташқари 10 фоизгача рағбатлантирувчи балл ҳам белгиланган. «Умумий ва аналитик кимё» кафедраси қошида ишлаб турган кимё тўгарагида тест мисоллари ишланади, кимёвий моддалар олишга, реакциялар ўтказишга доир кинофильм ва диафильмлар намойиш этиб турилади. Булар ҳам талабаларимиз билим савиясини юқори кўтаришга замин яратади.

**П.ИСМАТУЛЛАЕВ,**
**Тошкент кимё-технология институти ўқув ишлари бўйича ректор муовини, профессор**

# ФИКР ЭРКИНЛИГИ

## ТАРИХИЙ ФИКРЛАШНИНГ ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Ўқитувчи ўқувчиларга дарсликдаги савол ва топшириқларни мунтазам бажаришга одатлантириш орқали мустақил равишда ақлий фаолият билан шуғулланишни: тарихий ҳодисаларни таққослаб кўришни, тушунчаларнинг белгиларини топишни ва умумлаштиришни, ижтимоий ҳодисалар сабабларини аниқлашни, асосий сабабни асосий бўлмаган сабабдан ажратишни, тўғри хулоса чиқаришни, хулосаларни асослаб беришни ўргатиб бориши керак. Ўқувчилар олдига қўйиладиган талаблар уларнинг кучи етадиган даражада бўлиши керак. Ўқувчилар ўқитувчи берган топшириқни бажариш жараёнида мустақил ҳолда изланади, фикр юритади. Энг муҳими, бекор ўтирмай, мустақил ҳолда фикрлашга ўрганади. Синфда барча ўқувчилар фойдаланишига мўлжалланган қўлланма одатда уларнинг ҳаммаси учун тушунарли бўлиши керак. Албатта, бу иқтидорли, зеҳни ўткир болаларни қониқтирмаслиги мумкин. Ўқитувчи бундай зеҳни ўткир ўқувчиларнинг интилишларини сусайтирмай, уларга мураккаброқ топшириқлар бериб, мустақил ишлашларини рағбатлантириб туриши керак. Афсуски, ҳар доим ҳам шундай бўлмайди. Айрим ўқитувчилар синчков, ҳар бир нарсага ўз фикрини билдирувчи, кўпроқ савол билан мурожаат этувчи ўқувчиларни ёқтирмай, уларга «дарсимни бўлма, тинч ўтир», деб танбеҳ беришади. Бу билан ўқитувчи ўз обрўсидан фойдаланиб, ўқувчига кўполлик қилиши, унинг фикрини тингламаслиги, тарбияни йўққа чиқариб, ўқувчининг эркин фикр билдиришига тўсқинлик қилади. Ўқитувчи ўқувчи фикрини тинглаши, сўнгра эса унинг камчиликларини муҳокама қилиш жараёнида синф ўқувчиларини баҳсга чорлаши яхши натижа беради. Фикр-мулоҳаза баҳс жараёнида туғилади. Синфдаги барча ўқувчиларни баҳсга чорлаш, уларни рағбатлантириб туриш ўқувчиларни чўчимай ўз фикрини очиқ айтишга, эркин фикр билдиришга, ўз фикрини асослаб беришга — ижодий фикрлашга олиб келади. Фақат юқори синф эмас, балки қуйи синф ўқувчиларининг ҳам фикрлаш қобилиятини мунтазам ривожлантириб бориш зарур.

Ўқитувчи қўллайдиган методик усуллар ўқувчи фикрлаш қобилиятининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Битта тарихий мавзуни турли хил методик усул, воситалар билан очиб бериш мумкин. Масалан, ўқитувчи оғзаки баён усулидан, кўргазмали таълим усулидан, матн билан ишлаш, муаммоли вазият яратиш, қиёсий таҳлил усулларидан, ноанъанавий усуллардан фойдаланиши мумкин.

Дарсларда оғзаки баён усулидан фойдаланишда ўқувчиларнинг ўз фикрини эркин айта олишига — шеърлар, бадиий асарлардан парчалар келтиришларига кенг имконият бериш керак. Масалан, 5-синф ўқувчилари «Ватанимиз тарихидан ҳикоялар» курсида «Тўмарис жасорати», «Широқ қиссаси» билан қисман ҳикоя тарзида танишадилар. Худди ана шу давр 6-синфда Ўзбекистон тарихининг қадимги даври ўрганилаётганида кенгроқ ёритилади. Ўқитувчи «Ватанимиз халқларининг эрк, озодлик учун чет эл босқинчиларига қарши кураши» мавзусини ўтаётган пайтда Эркин Воҳидовнинг «Ўзбекистоним» фахриясидан парча ўқиб, ўқувчилар эътиборини шеър сатридаги тарихий номларга тортиш орқали уларни эркин мулоқотга чорлаши мумкин.

Асли эллик эмас, эллик минг ёшинг,
Кечмишинг тарихлар нариёғида,
Тўмарисдек она Кайхусрав бошин
Қон тўла синочга солган чоғида.
Спитамен камон тутиб дастидан,
Мароқанд сақлаб турганда узоқ
Ёвни адаштириб ўлим даштида
Кўкрак очиб қаҳ-қаҳ урганда Широқ.
Ҳали ўзбек эмас, лекин оламга
Машҳур эдинг саку — Сўғдиёна бўлиб,
Искандарни мажруҳ этган камоним,
Ўзбекистоним...

Ўқитувчи: «Қани азиз ўқувчилар, ушбу шеърда Ватанимиз тарихига оид қандай номларни учратдингиз?» деб мурожаат этиб, ўқувчиларни эркин мулоқотга тортади. Албатта, ҳаяжон билан ифодали ўқилган шеърдан ўқувчилар таниш номларни тез илғаб оладилар. Ўқувчилар: «Тўмарис, Кайхусрав, Спитамен, Широқ, Искандар, Сўғдиёна, Мароканда» номларини айтишлари мумкин.

Ўқитувчи эвристик усулда суҳбат олиб бориб, саволлар бериб, ўқувчиларни баҳсга чорлаши, эркин мулоқотга тортиши мумкин:

- ушбу номлардан қайсилари халқ оғзаки ижодида куйланиб келинган?
- сиз улардаги қайси хислатларни ёқтирасиз?
- Сўғдиёна, Мароканда қандай номлар?
- бугунги кунда бу жойлар қандай номланади?
- улар қайси давлат ҳудудларида жойлашган? Харитадан кўрсатиб беринг.
- Широқни ўлимга тик боришга нима мажбур этган?
- Сиз жуда кўп мақол, ҳикматли сўзларни биласиз, мавзуга оид мақоллар келтиринг-чи?

Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти билан боғлиқ малака ва кўникмаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Тарихий билим берувчи манбаларни таҳлил қилиш, тарихий воқеа ва ҳодисалардаги энг асосий, муҳим нарсаларни, уларнинг етакчи хусусиятлари ва белгиларини ажратиб олиш, тарихий тушунчаларга таърифлар беришга ўргатиш.
2. Тарихий факт ва жараёнларни ўз доирасида қараб чиқиш ва вақт жиҳатидан улар ўртасидаги нисбатни аниқлаш малакаларини ҳосил қилиш.
3. Тарихий ҳодисаларнинг жойини аниқлаш, тарихий харитани «тилга киритиш», ундаги изоҳлар ва шартли белгилардан хатосиз фойдаланиш, ёзувсиз харитани тарихий мазмунда тўлдириш каби малакаларни шакллантириш.
4. Тарихий воқеалар ва ҳодисаларни таққослаш, қиёслаш, уларнинг умум ва ўзига хос хусусиятларини ажратиш, умумий хулосаларга асосланган ҳолда тўғри исботлай олиш малакаларини ҳосил қилиш.
5. Тарихий материални оғзаки, ёзма тарзда баён эта билиш (изчил тартибда, образли қилиб, энг муҳим ва асосий нарсаларни ажратиб кўрсатган ҳолда), баён этишнинг ҳамма турларидан (тасвирлаш, ҳикоя қилиш, характеристика бериш, шарҳлаш ва бошқа усуллардан) фойдалана олиш, ўз фикрини билдириб, таҳлил қилиш (ёзма ва оғзаки) малакаларини шакллантириш.
6. Ахборотлар, маърузалар, рефератлар тайёрлаш, кичик бадиий тарихий асарларни таҳлил этишга ўргатиш.
7. Тарихий матн мазмунининг ёки ўқитувчи ҳикоясининг режасини, тарихий воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш режасини, таққослаш режасини, хулосалар чиқариш режасини, ўз жавобини, қиладиган маърузаси ва ҳоказолар режасини тузиш малакаларини ҳосил қилиш.
8. План-конспект, ўқитувчи тушунтириб берган асосий қоидаларни қисқа ёзиб бориш, китоблардан, дарсликдан, ҳужжатлардан айрим жойларни ёзиб олиш, рўзномалардан, журналлардан фойдаланиш малакаларини ҳосил қилиш.

Дунёқарашнинг вужудга келиши билан чамбарчас боғланган ана шу малакаларни такомиллаштириб бориш ўз-ўзидан ўқувчида эркин фикрлаш қобилиятининг шаклланишига олиб келади.

Ўқувчиларнинг эркин фикрлашга, малака ва кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган ишнинг муваффақиятли чиқиши кўпгина шарт-шароитларга ҳам боғлиқ. Тарих ўқитувчиси, биринчи навбатда, у ёки бу синфда бундан илгари ҳосил қилинган билим ва малакаларнинг қандай доирасига таяна олиши мумкинлигини, предметлараро ўзаро боғланишдан усталик билан фойдалана билиши, бошқа предметларни ўқитиш жараёнида ҳосил қилинган малака ва кўникмаларни ҳисобга олиши, ўқувчиларда қандай малакалар ҳосил қилинган ёки ҳосил бўлмаганлигини аниқлаб олиши лозим. Ана шу асосда ўқувчиларнинг турли гуруҳларига алоҳида-алоҳида кучи етадиган даражада топшириқлар беришга ҳамда айрим ўқувчиларга нисбатан бундан кейин индивидуал йўсинда ёндошишга ўтилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг тафаккурини ўстирадиган машқларни режалаштирар экан, ўрганиладиган тарихий материалнинг мазмунига ҳамда унинг яхшироқ ўзлаштирилишига ёрдам берадиган усулларни қўллашга аҳамият беради. Ўқитувчи иш жараёнида ўқувчиларда билим ва малакаларни қай даражада ҳосил қилинганини доим текшириб, ҳисобга олиб бориши керак. У ўқувчиларга бу йўлда нималарга эришганликларини ва бундан кейин улар нималар устида ишлаши кераклигини билдириб бориши билан бирга, иш жараёнининг ҳар қайси босқичида улар олдига аниқ вазифалар қўйиб боради.

Қуйида ўқувчиларда малака ҳосил қилишнинг асосий йўллари ҳақида тўхталамиз.

Ўқувчиларда бирор малака, масалан, тарихий ҳодисани таққослаш ва исботлаб бериш малакасини ҳосил қилмоқ учун, ўқитувчи ўша мантиқий операциянинг мақсади ва моҳиятини ҳамда уни бажариш усулларини тушунтириб, уларни аниқ тарихий материалларга татбиқ этган ҳолда кўрсатиб беради. КЎРСАТИБ бериш жараёнида мазмуни унча катта бўлмаган материал: таққослаш учун моддий маданиятга доир икки нарса, хулоса чиқариш учун дарсликнинг бир неча абзацидан иборат матн танлангани маъқул.

Ўқувчиларни тарихий тушунчаларни таҳлил қилиш ва фикрий хулосалар чиқаришга ўргатиш усуллари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин.

5-6-синфлардаги дастлабки топшириқларда ўқувчиларни дарслик матнидаги осон қисмларга бўлинадиган кичикроқ парчанинг муҳим мазмунини ажрата билишга, ундаги асосий фикрни топишга, кейин эса уни ўз сўзлари билан таърифлаб беришга ўргатиш мақсад қилиб қўйилади.

Ўқитувчи ўқувчиларни бир неча муҳим фикрлар орасидан айнан шу фикрни асосий фикр деб кўрсатганини асослаб беришини талаб этиши мумкин. Мисол учун: 6-синфда «Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар ҳаётининг излари» мавзуси ўрганилаётганда, ўқувчилар энг қадимги одамларнинг меҳнат қуроллари тўғрисидаги матнни ўрганиб чиққанларидан кейин, ўқитувчи берган саволлар ёрдамида матн мазмунидаги муҳим фикрларни ажратиб ола бошлайдилар. Ўқитувчи бу парчадаги энг асосий фикр қадимги одамларнинг ҳайвонлардан нима билан фарқ қилишларини тушунтириб беришдан иборат, деб кўрсатиб беради. Ўқувчилар ана шу асосий фикрни таърифлаб, ҳайвонлар меҳнат қуроллари ясай олмасликларини, одам эса чопқич, сўйил ва ер ковлайдиган таёқлар ясаганликларини айтишади. Ўқитувчининг: «Бу парчадаги муҳим фикрлар орасидан нима сабабдан шу фикрни асосий фикр деб ажратиб олдингиз?», деган саволига жавоб берар экан, албатта, зеҳни ўткирроқ ўқувчи нима сабабдан бу фикрни танлаганини асослаб бериш орқали мустақил фикр билдиради.

Ўқитувчи 5-,6-синфларда дарсни ҳикоя қилиб бериш орқали оғзаки баён усулини кўпроқ қўллайди. Бу ўринда ўқувчиларни ҳикоядаги муҳим фикрни ажрата билишга ва оддий режа тузишга ўргатиш ҳам муҳимдир.

Режа тузиш малакаси ўқувчиларга дарслик матни ёки ўқитувчи ҳикоясининг мантиқий жиҳатдан қандай тузилганлигини тушунишга, бир муҳим фикрни иккинчисидан ажрата билишга, энг асосий фикрни асослаб беришга ёрдам беради. Ўқувчиларга оддий режа тузишдан ташқари жавоб бериш режасини ва кенгайтирилган режалар тузишга ўргатиб бориш уларнинг мустақил ишлашларига, фикрлашларига ёрдам беради.

Биз юқорида ўқувчиларни фикрлаш қобилиятига таъсир кўрсатувчи айрим усуллар ҳақидагина тўхталдик, холос. Қандай усуллардан фойдаланмайлик, мақсад бир нарсага – фикр эркинлигига қаратилмоғи керак. Ўқувчилар онгига қайси усул билан тез ва осон таъсир эта олсак, ўша усул энг илғор усулдир. Маълум бир қолипга солинган дарс қолоқ дарс бўлиб, фикрлашни сўндиради. Қайси фан ўқитувчиси бўлишдан қатъий назар, у мавзуни эркин тушунтиришга одатланмоғи, ўқувчини ҳам эркин жавоб беришга ўргатмоғи лозим.

Тарбиянинг тури, уни сингдириш усуллари хилма-хил, бири биридан зарур, бири-биридан муҳим. Бироқ ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-шафқат, самимийлик, инсонпарварлик, болажонлик халқ педагогикаси синовларидан ўтган, бола қалбига йўл топишнинг энг муҳим усулидир.

**Мукаррам КАБИРОВА,**
**ЎзПФИТИ тарих ва ҳуқуқ ўқитиш назарияси ва методикаси бўлими илмий ходими**

# БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Яккасарой туманидаги 319-мактабда ҳам карнай-сурнайлар янграб, катта байрам дастури ўтказилди. Шодиёна ўтказиладиган мактаб ҳовлисига ота-оналар, оталиқ ташкилотининг раҳбарлари ташриф буюришди.

Тантанали кечада «Умид» театр гуруҳи, раққоса қизлар, ёш таэквандочилар чиқишлари барчага манзур бўлди.

Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур мактабда бундай тадбирлар мунтазам бўлиб туради. Мактабда тажрибали мутахассис Ким Ин Хо бошчилигида ташкил этилган таэквандо тўгараги аъзолари ўз чиқишлари билан мактабда ўтказиладиган барча тадбирларда иштирок этадилар. Мактаб «Қушбеги» маҳалласи қўмитаси билан ҳамкорликда иш олиб боради. Яқинда улар кам таъминланган оилалар фарзандларига китоблар сотиб олиш учун 10 000 сўм пул ажратганлигини таъкидлаш жоиз. Тантанали йиғилиш шоду хуррамлик билан якунланди.

**Д. КАРИМОВА**

# РАССОМЛИК КОЛЛЕЖИДА МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ

**Мамлакатимизнинг барча ўқув юртларида мустақиллик байрамлари ўтказилиб, биринчи соат мустақиллик мавзуидаги дарслар билан бошланмоқда. 700га яқин талабалар билим олаётган Республика Рассомлик коллежида ҳам биринчи соат «Мустақиллик дарси» билан бошланди.Коллежнинг мажлислар залига тўпланган ота-оналар, ўқитувчилар ва талабалар Миллий тикланиш демократик партияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси вакили, фалсафа фанлари доктори, профессор Тошпўлат Тошлоновнинг авлод - аждодларимизнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари, буюк инсонлар жасорати ҳақидаги маърузасини тингладилар.**

**Коллежда бўлган мазкур анжуманда Ўзбекистон бадиий академиясининг раис муовини, санъатшунослик фанлари доктори, профессор А.Ҳакимов талаба ва ота-оналар, ўқитувчиларни Мустақиллик байрами ва янги ўқув йили билан табриклади.**

**Ўзбекистон Халқ рассоми Баҳодир Жалолов биринчи курсга қабул қилинган ўғил-қизларга талабалик билетларини топширди.**

**Й.АҲМЕДОВ**

# НУРОТАДА НУРЛИ КУН

Барча жойларда бўлгани каби Нурота туманидаги 20-ўрта мактабда ҳам Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги ҳамда Билимлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур илм даргоҳи тумандаги намунали мактаблардан бири саналади. Ушбу мактабдаги 468 нафар ўқувчига 60 га яқин малакали муаллимлар таълим-тарбия беришади. Бу йил шу зиё масканини битирган 6 нафар ўқувчи тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юрти талабаси деган шарафли номга сазовор бўлишди.

Мактаб директори, халқ таълими аълочиси, кекса педагог Мирзо Деҳқонов ўқитувчилар жамоасини, ўқувчиларни байрам билан қизғин муборакбод этди. Уларга янги ўқув йилида омадлар тилади.

Бу йил мактабнинг 1-синфига 25 нафар ўқувчи қабул қилинди. Уларга Президент совғалари тантанали суратда топширилди. Мактаб остонасига илк қадам қўяётган жажжи болажонларнинг келажакка ҳайрат билан боқиб турган чақноқ кўзларига қараб, ҳадемай улар юртимизнинг фидойи, асл фарзандларига айланишига ишонгим келди.

**Ж. ИСКАНДАРОВ**

# ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГИ БИЛИМГА ЧОРЛАР



*Мамлакатимиз бўйлаб барчани бирдек интиқ қилган дамлар — ўқув йилининг бошланиши ҳар бир ўқув муассасасида янги орзу-умидлар, интилишларни намоён этди. Шу кунларда ҳар бир хонадоннинг қувончу шодликлари мактабларга кўчгандек, гўё. Айниқса, илк бор мактаб остонасини ҳатлаб, билимлар сари қадам қўйган 1-синф ўқувчилари ҳаяжонларини ошкора зоҳир этиб туришибди. Улар учун барча ўқув адабиётлари ва қўлланмалари Президентимиз томонидан туҳфа этилганлиги ҳар бирида чексиз ифтихор туйғусини, астойдил ўқиш ҳиссини уйғотади, албатта.*



**Суратларда: мактабларимиздаги бугунги жараёндан лавҳалар акс этган.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

Qadr

# ФАРЗАНД САДОҚАТИ

«Дагиш» сўзи Хоразм шевасида бурилиш, яъни ҳаёт оқимининг ўзанидан чиқиб кетиш маъносини билдиради. Матёқуб ака нотинч, шиддатли воқеалар оқимида ўтган ўзининг ҳаётини «Дагиш» номли тарихий-биографик бадиасида батафсил ёзган. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан 1997 йили нашр этилган бу китобда муаллиф ўзининг болалик ва ўсмирлик йилларини, қадимий Хивадан узоқ бўлмаган қишлоқда кечган ҳаётини батафсил ҳикоя қилади. Бу асримизнинг 20-30-йилларида яшаган оддий ўзбек боласининг турмуш тарзидир. Ёш Матёқубнинг катта оилада ҳаётнинг нурли манзилларига етиш учун ака-укалари қатори замон машаққатларини бошидан кечиргани ёрқин лавҳаларда баён этилган.

Интилганга толе ёр, дейишади. Матёқуб Қўшжонов бошланғич маълумотни туғилган қишлоғида олади. Сўнг Чоржўй туманидаги педагогика билим юртида таҳсил кўради. Ўқишни тугатиб, қўлига мураббийлик ҳужжатини олгач, қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ўқитувчиликдан бўш вақтларида, таътил дамларида овга боришни хуш кўради. Матёқуб юртдошларининг бургут кўзли, арслон юракли, ҳамлага ҳар доим тайёр мерганлар ҳақидаги суҳбатларини кўп эшитарди. Ёзнинг иссиқ кунларида овда юрганида уруш бошланганини эшитди. Кўп ўтмай ҳарбий хизматга чақирилди ва 1942 йилнинг ёзида фронтга жўнаб кетди.

У оддий аскар бўлиб хизмат қилган қисм 1942 йилнинг сентябрь ойида Волхов фронтига келади. Матёқуб дўсти Нафас Раҳимов билан бирга мардлик йўлларида доимо бардам қадам ташлаб, мудофаа вақтларида ҳам бир окопда жангларга тайёр туради.

Уруш авжига чиққан, душман ҳамласини кеча-кундузи тўхтатмасди. Шундай шиддатли жанглардан бирида Матёқуб қўлидан яраланади. Уни санбатга, кейин шаҳарга яқин жойдаги госпиталда даволанишни давом эттириш учун жойлаштиришади. Госпиталда шифо топиб, яна хизмат этиб келгач, дивизияда снайперлик курси очилганини эшитади. Ниятини командирига билдиради.

Матёқубни уч ойлик мерганлик мактабига юборадилар. У ҳар куни эртадан кечгача машқ майдонида бўлади. Милтиқ устига ўрнатилган дурбинга кўзини тикиб, олисдаги очиқ ва яширин белгиларни мўлжалга олиб, маҳорат кўрсатади. Унга дивизия командирининг ўзи снайперлик милтиғини топширади. Матёқуб командир ишончини оқлашга, моҳир мерган бўлишга ваъда беради. Шу куни у снайперлик курсида бирга машқ ўтган шериклари билан душман мудофаа жойлари аниқ кўринадиган, яширин окопларда туриб кузатишга киришишади. Бироқ душман снайпери ҳам айёр бўлиб, кичкина ойнанинг тепасидаги дарахт шохига илиб, Матёқуб томонни кузатиб, қимирлаган нарсага ўқ узиши аниқ эди. Шу сабабдан икки мерган ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, ўзларини сезиларли ҳаракатлардан тийиб, пистирмада турган душман снайперини йўқ қилишни ўйларди. Шунда улар кўзга кўринмас ин ясаб олган бир фашист иккинчи шеригини ботқоқликдан судраб олиб чиқаётганини кўришади. Ярадор шеригини судраб чиқаётган ёвни Матёқуб нишонга олиб, тепкини босади, фашист ағдарилиб, шериги билан ботқоқга қулайди. Жангчиларимизни бош кўтаришга халақит берган икки душман снайпери ҳам Матёқуб ўқидан гумдон бўлади. Командир мерган жангчи Матёқубни топшириқни намунали бажарганлиги учун табриклаб, «Сен зўр чиқдинг, олти юз метрдан наридаги фашистни бехато урадиган моҳир сайёд бўлиб қолдинг», дейди.

Матёқуб Қўшжонов 1-Болтиқбўйи фронтидаги 46-механизациялаштирилган танк бригадасида Латвия, Литва ерларини фашист босқинчиларидан тозалаш учун олиб борилган жангларда қатнашади. Литванинг Курландия ярим оролида у чекинган душман аскарларини таъқиб этиб, уларни асир олишда қатнашади. Май ойининг биринчи ўн кунлиги охирлаб қолганда душман таслим бўлибди, уруш тугади деган, тўрт йил шиддатли тўфонлар ичида юриб кутилган, шодиёна хабар тарқалади. Матёқуб олис жанг йўлларини бирга ўтган қуролдош дўстларини кучоқлаб табриклайди, жанговар шериклари ҳам хурсандчиликларини Матёқуб ёнида туриб, қуролларидан ўт очиб, тантанавор нишонлайдилар.

Фронтдан жасорат кўрсатиб қишлоғига қайтган собиқ жангчига дўстлари мактабда ўқитувчилигини давом эттиришини маслаҳат беришади. Матёқуб: «Ният бошқа, Тошкентга ўқишга боришим керак», дейди. У ўқиб, илмий ходим бўлиб, бой маданий меросимиздан баҳраманд бўлишни истарди. Орзуси рўёбга чиқиб, 1950 йили Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатади, аспирант, кейин илмий ходим бўлади.

Адабиётимизнинг атоқли намоёндалари Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ижодлари, уларнинг бадиий маҳоратлари ёш ходим Матёқуб Қўшжоновнинг ижодий-илмий йўлини белгилади. Самарали ижодий илмий изланиш, тадқиқотлар ўз натижасини беради. У аввал Ойбек романларидаги бадиий маҳорат ҳақида фан кандидати, сўнг Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди тўғрисида фан докторлиги илмий даражасини ёқлайди. 1956 йили «Ойбекнинг романларида характер, тасвир, маҳорат» номли дастлабки адабий тўплами нашр этилади. Шундан сўнг бирин-кетин илмий, хотира асарлари китобхонларга тақдим қилинади. 1973 йили «Ижод сабоқлари» (адабий ўйлар), «Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор», 1985 йили «Ҳаёт адабиёт кўзгусида» (Адабий-танқидий мақолалар) тўпламлари чоп этилади.

Матёқуб ака саксон ёшга қадам қўйди. Иккинчи жаҳон урушининг фаол қатнашчиси, жанговар қуролдош, тенгдош дўстимни табаррук ёши, элу юртга намунали эзгу хизмати билан табриклаб, унга узоқ умр, ижодий ғайрат тилайман. Матёқуб ака тўғрисида улкан устозларимиз, академик олимларимизнинг дил сўзларини эслаб ўтиш ҳам жоиз, деб ўйлайман.

Атоқли адабиётшунос олим, ардоқли ёзувчи Иззат Султон ўзининг «Олимнинг жасорати» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1998 йил, 12 июнь) Қўшжоновнинг бундан қирқ йилча бурун эълон қилинган «Характерлар шаклланиши» мақоласи ҳақида фикр юритиб, олимнинг дастлабки бу илмий ишини «Ўша вақтдаги адабиётшунослигимиз ва адабий танқидчилигимиз учун кўп жиҳатдан янги бўлган талай фикрлар билан майдонга чиққан эди», деб баҳолайди. Мақола муаллифи мушоҳадасини давом эттириб, Қўшжонов беш юзга яқин мақола, ўттиздан ортиқ китоб ёзиб чиқарганини айтиб ўтади. Мақолада таъкидланганидек, Қўшжонов ўз асарларида атоқли ёзувчими ёки яқинда ижод майдонига қадам қўйган ёш қалам соҳибими: — қайси ижодкор асарига мурожаат этмасин, уни қунт билан ўрганиб, ўзининг муносиб, аниқ фикрларини баён этиб келган. Шу боисдан ҳам Иззат Султон айтганидай, Матёқуб Қўшжонов каби билимдон, дидли ва фидокор олимнинг борлиги адабиётимиз ва маданиятимизнинг бахтидир.

Мен шу йил февраль ойида «Ёзувчи» газетасида Ўзбекистон Кибернетика фанининг отахони академик Восил Қобуловнинг қуролдош дўсти Матёқуб Қўшжоновга ёзган мактубини мароқ билан ўқидим. Восил Қобулов қуролдош дўстининг «Дийдорнома» ва «Дагиш» номли китобларини ўқиб, Иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги ҳаётим кўз олдимдан бирма-бир ўтди, деб ёзади ва мактубни «Матёқуб ака, икки китоб тортиқ қилганингиз учун сизга беҳад ташаккур, саломат бўлинг, биз сиздан ибрат олайлик», деб тугатади.

Икки атоқли олим, икки академикнинг Матёқуб Қўшжонов ҳақидаги дил сўзларини қаламга олар эканман, Ватан фарзанди бўлиш буюк бахт, деган сўз дилимдан ўтади.

**НАЗАРМАТ**

## ТАХМИНЛАР ПУЧГА ЧИҚДИ

**1930 йилда кашф этилган Плутон сайёраси устида олиб борилаётган янги тадқиқот ишлари «Плутон муз билан қопланган» деган аввалги тахминларни пучга чиқарди. Мутахассислар ушбу сайёра юзасини қоплаган сирли доғлар нима эканлиги давом этаётган тадқиқотлар сўнггида аниқланишини таъкидламоқдалар.**

## ЎЗГАРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Биолог олимларнинг таъкидлашича, инсон танаси ҳозирда тезлик билан ўзгариб бормоқда. Бунинг тасдиғини қуйидаги биргина мисолда ҳам кўриш мумкин. Сўнгги 100 йил ичида эркаклар мияси оғирлиги 1372 граммдан 1424 граммга, аёллар миясининг оғирлиги эса 1242 граммдан 1269 граммга ортган.**

*Ўқитувчи ён дафтарига*

## ЯНГИ ЮЛДУЗ

**Фалакиётшунос олимлар томонидан шу вақтгача номаълум бўлган янги юлдуз аниқланди ва унга «Папийон» («Капалак») деб ном берилди. Маълум бўлишича, янги юлдузнинг ёши бир миллион йилга яқин бўлиб, оғирлиги Қуёш оғирлигидан ўн маротаба оғир экан.**

## САБАБИ НОМАЪЛУМ

**Италиядаги Пиза минораси, шу вақтгача айтилганидек, оғаётгани йўқ. Аксинча, мутахассисларнинг фикрича, тебраниб, айланиб турибди. 800 йил аввал шарққа қараб энгаштириб қурилган минора ҳозирда жануб томонга эгилиб турибди. Миноранинг бу «айланма рақси» сабаби ҳозирча номаълум.**

